

ПАРКЕНТ ТУМАНИДА ЭКО-АГРОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ш. Т. Якубжонова

Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети
доцент в.б.

Н. С. Уринова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти
2-курс магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Паркент туманининг эко-агротуризм салоҳиятини тадқиқ қилиш натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, туманнинг туристик салоҳиятини белгилаш, имкониятларини очиш, туристик объектларини белгилаш каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: экотуризм, агротуризм, туристик салоҳият, агротуристтик объект, фермер хўжалиги, маршрут, меҳмонхона.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF ECO-AGROTURISM IN PARKENT DISTRICT

S. T. Yakubjonova

Acting Associate Professor of Tashkent
State Pedagogical University named after
Nizami

N. S. Urinova

2nd year master of Chirchik State
Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article analyzes the data obtained as a result of the study of the eco-agrotourism potential of Parkent district, identifies the tourist potential of the district, opens opportunities, identifies tourist facilities.

Keywords: ecotourism, agrotourism, tourist potential, agrotourism facility, farm, route, hotel.

КИРИШ

Мамлакатимизда туризмнинг янги истиқболлари очилиб, турли йўналишларда кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда экотуризм, агротуризм, альпинизм, рафтинг, геотуризм, таълим туризми, тиббий туризм каби янги сайёҳлик турлари оммалашмоқда.

Бугунги кунда хуудларнинг туризм имкониятларини тадқиқ қилиш орқали уларда туризм турларини ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Биз тадқиқ этаётган бой табиати, мўътадил иқлими билан машҳур бўлган Паркент тумани ва унинг атроф хуудди қадимий аҳоли манзилгоҳларидан бири бўлган. Археологик маълумотларга қараганда, бу ерларда илк инсон палеолит даврида пайдо бўлган. Географик нуқтаи назардан, Паркент тумани Тошкент шаҳридан 48 км шарқда, Ўрта Тяншаннинг Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий этакларида жойлашган. Хуудининг тоғлар билан ўралганлиги унинг табиатига бетакрор ҳусн беради ва туман чегарасини кесиб ўтишингиз билан унинг турфалиги яққол намоён бўлади. Рельефи тоғолди текисликлар, адирлар ва тоғ хуудларидан ташкил топганлиги сабабли, туман иқлими ҳам вертикал минтақаларга бўлиниб, хилма-хил хусусиятлари билан ажралиб туради. Текисликларда типик бўз тупроқлар, адирларда тўқ бўз тупроқлар, тоғ зонасида эса жигаранг тоғ-ўрмон тупроқлар тарқалган.

Табиий жойлашишига кўра Паркент тумани хуудди Тошкент-Мирзачўл кескин континентал иқлим зонасига киради. Хууднинг тоғлар билан ўралганлиги, унинг бағрида сойлар ва зилол булоқлар сероблиги ўзига хос мўътадил микроиқлим шароитини вужудга келтиради. Ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати $12,8^{\circ}\text{C}$, йиллик ёғин миқдори эса 536 мм ни ташкил этади. Серкуёш диёримизда бўлгани сингари, куёш йил мобайнида 3000 соатдан кўп вақт туман ерларига ўз нуруни сочиб туради. Хууднинг табиий сув манбаларига ўнлаб сойлар ва 500 дан ортиқ булоқлар киради. Чирчиқ дарёсининг чап ирмоқлари бўлмиш Паркентсой, Бошқизилсой ва Оқсоқотасой Паркентнинг сув манбалари ҳисобланади. Дарёларнинг бошланиш жойларида мавжуд ўнлаб шаршаралар табиат манзарасига бетакрор гўзаллик бахш этади. Мазкур объектлар хуудда экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш имконини беради.

НАТИЖАЛАР

Паркент ўзининг дам олиш масканлари билан ҳам машҳур. Бу ерда оромгоҳлари ва ёзги мавсумда ишлайдиган дам олиш уйлари, ўндан ортиқ болалар ёзги дам олиш масканлари ва қатор корхоналарнинг чорбоғлари мавжуд. Мазкур дам олиш уйлари йил давомида мамлакатимиз ва ҳориждан келган 10000 дан ортиқ фуқароларга хизмат кўрсатади. Шу ўринда, туман

худудида ҳали фойдаланилмаган улкан захиралар ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Туман худудида бир неча илмий ва ишлаб чиқариш муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли “Қуёш” мажмуаси, материалшунослик институти, Сейсмология институтининг Магнитионосфера расадхонаси, “Зардоб вакцинаси илмий текшириш институтининг ҳайвонотчилик базаси, Сўқоқ гидромелиоратив станцияси, Тоғ-ўрмон хўжалиги Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ноёб ўсимликлар, ҳайвонот оламига эга “Чотқол” биосфера кўриқхонаси вилоят табиатининг кўрки ҳисобланади.

Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси Марказий Осиёнинг энг кўхна кўриқхоналаридан ҳисобланади. Кўриқхона Тошкент вилояти табиати намунасини эталон сифатида сақлаш мақсадида 1947 йил Паркент туманининг шарқий қисми, Фарбий Тяньшаннинг Чотқол тоғ тизмаларида ташкил этилган. 1986 йили ЮНЕСКО Кенгашининг учунчи сессиясида Жаҳон йирик кўриқхоналар рўйхатида киритилиб, 1991 йили Халқаро биосфера кўриқхонаси сертификатини олган.

Кўриқхона ноёб табиатга эга йирик экотуристлик объект ҳисобланади. Унинг флораси 68 оилага мансуб 1000 дан ортиқ ўсимлик турларини ўз ичига олади. Кўриқхона фаунаси 200 тур қуш, 33 тур сутэмизувчи, 11 тур судралиб юрувчилар ва 4 тур балиқдан иборат. Табиатда кам учрайдиган Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган Грей ва Кауфман лолалари, Пском пиёзи, Коопман нормушки каби ўсимлик турлари, кузгун, пакана бургут, бургут, қора калхат, оқ тирноқли айиқ, тўнғиз, олқор каби ҳайвон турлари кўриқхона худудида учрайди. Кўриқхона худудидан Паркентсой, Бошқизилсой, Серкалисой ва Каттасой дарёлари ҳамда ўнлаб уларнинг ирмоқлари бошланади. Кўплаб катта ва кичик шаршалар тоғ дараларига алоҳида кўркамлик бағишлайди.

МУҲОКАМА

Паркент туманининг худудида 25 та қишлоқ аҳоли пункти жойлашган. Шулардан айримларининг жойлашуви, табиати, эко-агротуристлик имкониятларига қисқача тўхталамиз.

Машҳур **Шампан** қишлоғи Паркентдан 16 км жануби-шарқда, Санганаксой ва Угамсойнинг оралиғида жойлашган. Қишлоққа 1947 йилда асос солинган. Унинг атрофидаги худудларда винобоп узумлар етиштирилиши ва

шу даврда қурилган вино заводида қайта ишланиши сабабли қишлоқ Франциянинг Шампан вилояти номи билан аталган.

Паркентдан 20 км жануби-шарқда Бошқизилсойнинг ўнг соҳилида жойлашган **Невич** энг қадимий қишлоқлардан бири ҳисобланади. Унинг шарқда “Ўзбеккоинот” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспериментал базаси, дам олиш уйи ва сайёҳлик маскани жойлашган. Шу билан бирга қоятошларга битилган петрографлар мавжуд. Археологик қазилмалар натижасида қадимий турар жойлар, қабристонлар, металлшунослик излари аниқланган.

Туман марказидан 18 км жануби-шарқда, Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий этакларида, Сўқоқсой дарёсининг соҳилларида жойлашган **Сўқоқ** қишлоғи ўзининг зилол булоқлари билан машҳур. Ҳозирда “Чашма” булоғи сайёҳларнинг севимли жойига айланган. “Сўқоқ” дам олиш маскани об-ҳавоси, табиий жойлашиши, шифобахш булоқ сувлари билан мамлакатимиз ва унинг ташқарисида донг таратган. Қишлоқнинг тоққа туташган қисмида тоғ мелиоратив тажриба станцияси, метеостанцияда “Паркент” тоғ-ўрмончилик хўжалиги иш олиб боради.

Хисарак қишлоғи Паркентдан 8-10 км шимоли-шарқда, Паркентсой ўнг соҳилида, Суренота тоғи этакларида, денгиз сатҳидан 1000-1150 м баландликда жойлашган. Қишлоқда “Қуёш” мажмуаси, “Сумча” дам олиш уйи, ёзги оромгоҳлар мавжуд. Қишлоқ ўзининг **Қўтирбулоқ, Чашма, Косибжонбува, Чинор, Кўчкакбулоқ** каби булоқлари билан машҳур. Шу қишлоқда жойлашган «Хисарак Гиёҳи» фермер хўжалигида агротуризм ташкил қилиш режалаштирилган.

Кумушкон қишлоғи Паркентдан 18 км шимоли-шарқда, Паркентсойнинг юқори оқимининг ўнг соҳилида жайлашган. Ер сатҳи денгиз юзасига нисбатан 1300-1400 м баландликлар оралиғида. Қишлоқ ҳудудидан 1946-1958 йилларда полиметалл рудалари қазиб олинган. Кон ишлари тугагандан сўнг қишлоқда “Кумушкон” сайёҳлик маскани ташкил этилган. Маскан ўзининг тоза ҳавоси, нафис иқлими ва гўзал табиати билан нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам донг таратган.

Дехқончилик ва чорвачилик туманнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ташкил этувчи асосий тармоқларидир. Улар ўз навбатида бир неча ихтисосликларга бўлинади. Туман деҳқончилиги ғаллачилик, узумчилик, боғдорчилик, полизчилик, картошка етиштиришга ихтисослашган. Туман қишлоқларда фаолият олиб бораётган шахсий ва фермер хўжаликларида

етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларнинг етиштириш жараёни сайёҳлар эътиборини тортиши табиий. Шу ҳудудда фаолият олиб бораётган «Хисарак Гиёҳи» ва «Заркент Саҳовати» фермер хўжаликларида агротуризм ташкил қилиш ва туристларни қабул қилиш учун шароитлар яратиш режалаштирилган.

Паркентнинг ширин-шакар узуми ва мевалари қадимдан машҳур. Паркент узумлари экологик тозаллиги, юқори шираси ва бошқа хусусиятлари билан Ўзбекистонда ва унинг ташқарисида машҳур. Туман узумзорларида юздан ортиқ узум навлари етиштирилади. **Нимранг, Сояки, Мускат, Тарнави, Изобелла, Саперави, Каберне, Ркацетели, Баян-Ширей Пино** каби винобоп; **Шивилғони, Хўжаҳраи, Тоифи, Паркент, Хўсайни** каби хўраки навлар кенг тарқалган. Узоқ муддат сақлашга, ҳарорат ўзгаришларига бардошли бўлган **Тоифи, Паркент** каби навлар экспортбоплиги туфайли ҳаминиша бозори чаққон.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда Паркент туманининг Тошкент шаҳри яқинига қулай географик жойлашиши, ривожланган магистрал йўллари, хушхаво иқлими, тоза экологик шароити, юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, уларни етиштириш жараёни, улар билан боғлиқ аҳолининг урф-одатлари нафақат экотуризм ва агротуризмни балки, унинг тарихи, қадимий обидалари, археологик манбалари туризмни бошқа турларини ҳам ривожлантириш имкониятларини беради.

REFERENCES

1. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 264.
2. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Ташкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – С. 415;
3. Тухлиев, Н., Абдуллаева, Т., Национальные модели развития туризма. – Ташкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – 423 с.
4. Шомуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари: Дис.... геог. фан. ном. – Тошкент: 2012. - 125 б.
5. Якубжонов Ш.Т. Агротуризмнинг табиий географик жиҳатлари: Дис.... геог. фан. ном. – Тошкент: 2018. - 120.
6. Хусомиддинов С, Шерматов М. Паркент тумани. Т.: “Ўқитувчи” 2006 й, -149.

7. Жўраева, Н. В., Султанов, Р. О., Абдуллаева, С. А., Рахимжонова, В. А. (2020). Systematization of word combinations in the uzbek language. Наука и Мир, 2(6), 65-68.
8. Sultanov R. O., Yusupov M. R. (2020). Ta'limda matematika fanini o'qitishdagi muammolar va ularning yechimida axborot kommunikatsiya texnologiyalarining ahamiyati. O`zMU xabarлари, 2(1/2/1), 144-147.
9. Султанов, Р. О. (2020). Idea блокли шифрлаш алгоритмини такомиллаштириш методлари. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 397-404.
10. Kamolov, E. R., Raximov, S. M., Sultanov, R. O., Maxmudov, M.A., (2021). Innovative method of developing creative thinking of students. Экономика и социум, 1(80).
11. Хуррамов, А. Ж., Комолов, Э. Р., Разработка алгоритма управления с учетом трудноформализуемой информации // Academic research in educational sciences, (2020). Volume 01, Issue 03, -pp: 240-247.
12. Боймуродов, А. Х. (2020). Prospects of introducing an innovative cluster method of teaching computer science in the system of general secondary education in the Tashkent region. International Scientific Journal, 6(6), 308-311.
13. Boymurodov, A. (2020). Integration of general educational schools and higher education institutions in the innovative cluster of pedagogical education. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(8).